



Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!

МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУҲОКАМАСИ

Пойтахтимизда Олий Мажлис
Сенати Кенгаши ва халқ
депутатлари Юнусобод туман
Кенгашининг қўшма мажлиси
бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати раиси Н.Йўлдошев, Президент Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У.Муҳаммадиев, Юнусобод тумани ҳокими Б.Абдусаматов, сенаторлар, депутатлар, мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарлари иштирок этган тадбирда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадлар доирасида барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига Юнусобод туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласи юқлатилгани алоҳида таъкидланди.

Президентнинг жорий йил 15 августдаги «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ ҳукумат, вазирликлар, идоралар ва шаҳар ҳокимлиги зиммасига пойтахтнинг инвестициялар жалб этувчанлигини ошириш бўйича қатор муҳим вазифалар юқлатилган эди.

Мажлисида Тошкент шаҳар туманларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Юнусобод тумани бўйича ахбороти тингланди. Шунингдек, масъул вазирлик ва идоралар, туман ҳокимлиги раҳбарларининг белгиланган вазифаларни ижро этиш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборотлари муҳокама қилинди. Жорий йилда ҳудуддаги кўп қаватли уй-жойларни қуриш мавсумига тайёрлаш бўйича олиб борилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Унга қўра, 40 маҳалладаги 166 кўп

қаватли уй-жойларни таъмирлаш ишлари учун кредит, бюджет маблағлари ҳисобидан 20,6 миллиард сўм ажратилган. Бироқ шундай бўлса-да, соҳа ходимларининг ўрганишлари давомида 14 авария ҳолатидаги кўп қаватли уйлар борлиги, ушбу муаммага тез фурсатда чора кўриш лозимлиги бўйича соҳа ходимларига зарур топшириқлар берилди.

— Йўналишда маҳаллар раисларига ҳам ҳудудда бефарқ бўлмай, ижтимоий аҳволни янада яхшилаш, аҳолига қулай шароит яратиш борасида зарур вазифалар берилди, — дейди «Мирзо Улуғбек» МФЙ раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты Раҳман Юсупов. — Жойларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибли ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан тизимли ишларни олиб бормоқдамиз.

Тадбирда туман аҳолиси бандлигини таъминлаш, янги sanoat ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш, бўш турган бинолардан унумли фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларидаги муаммолар, ижтимоий соҳада ечимини қулайтадиган масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тумани комплекс ривожлантириш, аҳолини ташвишга солаётган муамма ҳамда камчиликларни бартараф этиш ижросини парламент, депутатлар ва жамоатчилик томонидан назорат қилишни таъминлаш чоралари тўғрисида қўшма қарор қабул қилинди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўза мухбири.



ЯШИЛ ШАҲАРНИНГ ЯШИЛ НАВОЛАРИ

мақом санъати халқаро анжуманида оламга таралади

3

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига

ЯНГИ УЙЛАРДА ЯНГИ ОРЗУЛАР БИЛАН

Энг улғу, энг азиз айём — истиқлолнинг 27 йиллик байрами арафасида Фарғона вилоятида уй-жойга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларга янги уй-жойлар тантанали равишда топширилди.

Қучли ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Инсон манфаати улуғланаётган юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, айниқса, кам таъминланган, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш бериш ишлари барча ҳудудларда давом этмоқда.

Жамиятимизда, ён-атрофимизда ногирон, меҳнатга лаёқатлилик даражаси текланган одамлар ҳам бор. Улар ҳам бахтли яшашига ҳақли. Улар орасида уй-жойга эҳтиёжи бўлганларнинг муаммоларини амалий ҳал этиш муҳим вазифадир. Бугунга қадар вилоят бўйича уй-жойга муҳтож, жисмоний имконияти текланган қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида қўшма қарор қабул қилинди.

Қўқон шаҳрида уй-жойга муҳтож, эҳтиёжманд 38 оилага янги уй-жойлар топшириш маросими катта шодийнага айланди.

— Севинчимни сўз билан ifodalab беролмайман, — дейди Илҳомжон Тўхлиев. — Биринчи гуруҳ ногирониман. Уч ўғалик икки хонали уйда бир неча йилдан бўён яшаб келаётган эдик. Оилавий ётоқхонадан икки хонали уй беришди. Биздек кўнгли ўқикларни қўллаётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда огир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, уларни арзон ва имтиёзли уй-жой билан таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Огир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бу

борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

...Бўстон маҳалласида истиқомат қилувчи Мавжуда Фозилова бошидан кўп қийинчиликлар ўтказди. Икки фарзанди билан уй-жойсиз яшаб келаётган Мавжуда кўп қаватли янги уйлардан бирига эга бўлди.

— Бизга берилган хонадонда шароитлар кутганимиздан ҳам ортди, — дейди М.Фозилова. — Бундай эътиборга, ғамхўрликка жавобан имконим борича меҳнат қиламан, болаларимни эл хизматига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялайман.

Марғилон шаҳрида ҳам эҳтиёжманд оилаларга янги уй-жойлар топширилгани Мустақиллик байрами олдида уларга муносиб тўхфа бўлди. Тадбирда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга юксак эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Икки фарзандим билан 18 йилдан бўён уй-жойсиз эдик, — дейди Санобар Каримова. — Мана бу уй бизга жуда катта совға бўлди. Уй олишимни эшитганимдан бери қувончимдан ухлай олмайдим. Инсон кичик бўлса-да, ўз уйига эга бўлгани жуда катта бахт эканини бугун ҳис этдим. Бунинг учун Президентимиздан миннатдоримиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
Ўза мухбири.



НИГОРАДАН БРОНЗА, НИЁЗДАН ЭСА КУМУШ

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтаётган XVIII ёзги Осиё ўйинларида баҳслар қизгин давом этмоқда.

Хотин-қизлар ўртасидаги таэквондо (WTF) бўйича ўтган беллашуларда вазни 67 килограммгача бўлган ҳамюртимиз Нигора Турсунқулова ярим финалда Жанубий Корея вакилиси Жанди Кимга қарши даянга кўтарилди. Афсуски, ушбу баҳсда ёш спортчимизга омад етишмади. Шу тариқа, Нигора Осиё ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди.

Таэквондо баҳсларининг 58 килограммгача вазн тоифасида ҳамюртимиз Ниёз Пулатов финалга қадар муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон делегациясига навбатдаги кумуш медалини келтирди.

Палембанг шаҳрида Осиё ўйинларининг теннис муسابакалари бўлиб ўтмоқда.

Унда ҳамюртимиз Нигина Абдураимова қозғонистонлик Анна Данилинани 0:6, 6:2, 6:2, мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси Сабина Шарипова эса вьетнамлик Кисилла Фодорни 7:5, 6:3 ҳисобида енгди.

Шунингдек, яқалик баҳсларнинг эркаклар ўртасидаги беллашуларида Денис Истомин покистонлик Оқил Хонни 6:3, 6:1, Жўрабек Каримов ливанлик Жовани Самахани 6:4, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Жуфтлик баҳсларида қатнашаётган Ирода Тўлаганова ҳамда Сабина Шарипова Хитой Тайпейи вакиллари Пиечи Ли ва Ченху Хсуга қарши қорға қикди. Ушбу ўйинда ҳисоб 2:1 бўлиб турганда Ли ва Хсу учрашуви ўтказишдан бош тортиди ва мағлубиятини тан олди.

Эркаклар ўртасида Денис Истомин ва Фаррух Дўстов покистонлик Муҳаммад Обид ва Музаммил Муртазони биринчи сетда тай-брекда, иккинчи сетда эса 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Осиё ўйинлари давом этмоқда.



Ж.ТОШХҲАЕВ,
Ўза мухбири.

Муносабат

ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталари ўзаро ишонч, катта самимият билан мустаҳкамланиб бораётгани ҳар икки халқни баб-баравар хурсанд этмоқда.

2

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

Ушбу саволга жавоб олиш
мақсадида Навоий вилояти халқ
таълими бошқармасига
қарашли айрим таълим
муассасаларида бўлдик.

2

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 21 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АКШ
доллари
7803,79

1 Англия фунт
стерлинги
9949,83

1 Жанубий
Корея вони
6,97

1 Канада
доллари
5976,25

1 Швейцария
франки
7837,49

1 Миср фунти
437,19

1 ЕВРО
8925,19

1 Россия
рубл
115,70

1 Япония
иенаси
70,63

1 Хитой
юани
1135,26


1 БАА дирҳами
2124,75

1 Австралия
доллари
5704,57

ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш юзасидан муҳим келишувларга эришилган эди. Шу асосда Самарқанд шаҳрида дастлабки бизнес-форум ҳам ташкил

этилганди. Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга ташрифи ана шу келишувларни янада ривожлантириш имконини яратди. Мартабали меҳмон Президентимиз ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрида ҳам бўлди.



Абдулатиф ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон ХДП
Самарқанд шаҳар
кенгаши раиси:

— Биламизки, бир дарёдан сув ичиб, қариндошлик ришталари билан боғланган ўзбек ва тожик халқлари ўртасида азалдан яқин қўшничиликка асосланган ҳамкорлик йўлга қўйилган. Аслида икки халқнинг умумий тарихи, узвий маънавий қадриятлари бир. Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга ташрифини мамлакатимизда, жумладан, Самарқандда яшаётган тожик миллий вакиллари ҳам катта қизиқиш билан кузатди. Негаки, бу ташриф икки давлат ўртасидаги азалий қўшничилик, биродарлик алоқаларини қайта тиклашга, ўртадаги савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тожикистон Президентининг Самарқандда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қабрини зиёрат қилиши унинг халқимизга эҳтироми, меҳр-оқибати ифодаси бўлди. Жойларда ўтказилган учрашувларда икки мамлакат раҳбарлари одамларни қизиқтираётган масалалар ҳақида фикр юритишди. Шу ўринда мен Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг аллақачон халқларимизнинг сеvimли қўшиғига айланиб улгурган «Дўсту қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан...» деб бошланувчи машҳур шеърини эсладим. Самарқандлик тожик дўстларимиз бу ашъорни ўз тилларида «**Эру бародар аз азал ўзбеку тожик...**» дея қуйлашади. Икки халқ ижодкорлари томонидан ҳали халқларимизни улуғловчи бундай асарлар қўллаб яратилади. Негаки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон сая-ҳаракатлари тўғрисида икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкам боғланди, ижодкорларни илҳомлантирувчи, уларга ижодий куч бағишловчи соғлом муҳит юзага келди.

— Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг ҳамкорлигида бир эмас, иккита ГЭС қуриш ҳақидаги ташаббуслари ҳар икки давлатдаги, жумладан, Самарқанддаги икки миллат вакиллари кувонтириб юборди. Яна бу иншоотнинг бири Зарафшон дарёси ҳудудида бўлишини айтмайсизми? Дарёнинг Тожикистон ҳудудида барпо этиладиган 320 мегаватт қувватга эга бўладиган ГЭС лойиҳаси ҳақида Тожикистон Президентининг Ўзбекистон Президенти га маълумот бергани бизни яна ҳам кувонтирди. Қуриладиган гидро электр станцияларидан ҳар икки мамлакат ўз иқтисодиё-

— Кўп йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайман. Эндиликда мева-сабзавот етиштириш билангина чекланиб қолмасдан, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйяпмиз. Юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида ишлаб чиқаришга илғор технологияларни татбиқ этаяпмиз. Айниқса, иссиқхонада маҳсулот етиштириш бозор барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли эҳтиёжини қондиришда энг самарали усул ҳисобланади.

Шу йилнинг кўкламида Самарқанд ва Тожикистоннинг Суғд вилоятларида ўтказилган форумда икки вилоят ўртасида 200 га яқин шартнома ва меморандумлар имзоланган эди. Жумладан, ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги,



Шоира ХУДОЙҚУЛОВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
институтини биофизика кафедраси
катта ўқитувчиси, ЎзХДП
аъзоси:

тини ривожлантиришда фойдаланиши мумкинлиги ҳақида ҳам айтилди.

Имомали Раҳмон Ўзбекистонга ташрифи давомида Сарез кўлининг сувида ҳам ҳамкорликда фойдаланишни таклиф қилди. Бу фикрлардан

маълум бўладики, бундан буён Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасида сув ва электр муаммоси биргаликда ҳал этилади. Икки давлат, икки миллат ўртасидаги ҳақиқий дўстлик энди янгича қиёфа касб этади.



Комил САТТОРОВ,
Булунгур туманидаги «Умрзоқ
бобо» фермер хўжалиги раиси,
ЎзХДП аъзоси:

озик-овқат саноати маҳсулотлари, текстиль, қурилиш материаллари, маиший хўжалик моллари ва бошқа товар хизматларини экспорт қилиш бўйича 87 шартнома тузилди. Бу биргина вилоят билан ўрнатилган ҳамкорлик натижаси. Мамлакатлар бўйича сўз юритсак янада йирикроқ рақамларга қўз тушади. Бугунги мулоқотлардан сўнг

бу борадаги ишлар ҳажми ошарди. Демак, мазкур ҳаракатлар ҳар икки мамлакат аҳолисининг фаровонлигига хизмат қилишини, қўллаб одамларнинг янги иш ўринларига эга бўлишини англатади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

Ушбу саволга жавоб олиш мақсадида Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли айрим таълим муассасаларида бўлдик.

Навоий вилоятида 353 умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларнинг 104 таси бир, 248 таси икки сменада ва биттаси уч (!) сменада фаолият кўрсатади. 33 мактабда таълим олувчилар сони мактаб сифимидан 50 фоиз ортиқлиги таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоятдаги мавжуд 353 мактабнинг 28 таси тўлиқ реконструкцияга, 33 таси капитал таъмирга муҳтож. Шунингдек, 124 мактабда жисмоний тарбия дарсларини ўтиш ва ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун спорт зали мавжуд эмас. 17 мактаб ҳудудининг атрофи тўлиқ ўралмагани натижасида ўқувчи-ёшлар ҳавфсизлиги етарлича таъминланмаган.

Навоий шаҳрининг 18-кичик тумани ҳудудида кўп қаватли уйлар барпо этилаётганига қарамай, бирорта ҳам қўшимча мактаб қурилмаган. Вилоятдаги аксарият мактаблар фаолиятини талаб даражасида йўлга қўйиш учун оддий маиший шароитлар ҳам мавжуд эмас.

Вилоят бўйича 88 мактабни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жорий ва мукаммал таъмирлаш орқали янги ўқув йилига тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, 4,5 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилган бўлса-да, шу кунгача 2,5 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ молиялаштирилган ҳолос! Хатто, айрим мактабларда таъмирлаш ишлари ҳали бошланмаган.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида Навбахор туманининг Қушқочди қишлоғидаги 4-умумтаълим мактабига 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган. Лекин афсуски, ҳозиргача бу маблағ умуман молиялаштирилмаган. Мазкур мактабнинг 340 ўринли эски биноси 2018 йил май ойида бузилган, лекин бугунги кунда маблағ ажратилмагани сабабли қурилиш ишлари умуман тўхтаб қолган.

Навахор туманидаги 14-умумтаълим мактаби директори Бобур Раҳимовнинг айтишича, ушбу мактаб 2014

йил инвестиция дастури асосида капитал реконструкция қилинган, лекин кимё, биология, физика кабинетлари махсус ўқув парталари билан жиҳозланмаган.

Физика ва кимё лаборатория жиҳозлари умуман ишлатилмаган, қадокланган ҳолда сақланмоқда. Информатика хонасидаги 15 компьютер техникаси интернетга уланмаган, компьютер техникаларидан дарс жараёнида фойдаланиш даражаси ўта паст, физикадан бошқа фанлардан яратилган электрон ўқув ресурслари мавжуд эмас, мактаб атғи битта проектор билан таъминланган ҳолос.

Туман ҳокимлиги томонидан мактабни янги ўқув йили ва куз-қиш мав-

сумига тайёрлаш бўйича 32 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса-да, молиялаштирилмагани учун таъмирлаш ишлари бошланмаган.

— Мактабимиз 120 ўринга мўлжалланган, — дейди **Навахор туманидаги 38-умумтаълим мактаб директори Жасур Темиров**. — Янги ўқув йилида 401 нафар ўқувчига уч сменада таълим беришдан бошқа иложимиз йўқ. Мактабимизда хоналар етишмаганлиги учун физика, кимё-биология фанларидан лаборатория машғулотларини ўтказиш имкони мавжуд эмас.

Ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, маънавият ва маърифат, психолог ва ёшлар етакчиси учун алоҳида хона ажратишнинг иложи йўқ, ўқитувчилар мактаб коридорида ўтиришади. **Мактаб кутубхонаси бинога қўшни бўлган сартарошхонага жойлаштирилган(!)**.

Конимех туманидаги мавжуд 35 мактабни янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича 2 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса-да, бугунги кунгача умуман молиялаштирилмаган. Натижада саккизта мактаб атрофини девор билан

ўраш, тўртта мактабнинг том қисмини таъмирлаш, иккита мактабнинг де-раза ромларини алмаштириш, ўн та мактабни ичимлик суви билан таъминлаш учун қудуқ қуриш ва насос ўрнатиш ишлари бошланмаган.

Тумандаги 14, 39-мактабларда синф хоналари етишмайди, 23-мактаб биносининг том, пол ва деворлари ачинарли ҳолга келиб қолган. 32-мактабнинг том қисмини қўришапалак босиб, ДСЭНМ хўсаси билан мактаб биноси ёпиб қўйилган.

Кармана туманидаги 8-мактаб директори Абдуҳошим Қаршиевнинг айтишича, кимё хонаси 2010 йилдан буён жиҳозланмаган, махсус парталар ўрнатилмаган, электр, сув ва сув оқова тармоқларига уланмаган, мўриқонли шкаф ўрнатилмаган, реактивлар билан 2006 йилдан буён таъминланмаган. У мазкур масалада мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилса-да, амалий натижа бўлмаган.

Мактабнинг информатика хонаси 2007 йилда 15 та компьютер билан таъминланган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 3 таси яроқсиз ҳолга келган. Интернет тармоғига уланмаган. Компьютерларга фанлар қисмида электрон ресурслар ўрнатилмаган, улардан фойдаланиш самарадорлиги паст. Мактабда жами 915 ўқувчи таълим олади, бироқ дарсликлар етишмайди.

Нурота туманидаги 2-мактабда физика лаборатория жиҳозлари етишмаслиги сабабли лаборатория ишларини ўтказиш имкони йўқ. Шунингдек, кимё лабораторияси учун 39 номдаги асбоб-ускуналарга эҳтиёж мавжуд.

Юқоридаги ҳолатлардан шундай ҳулоса чиқариш керакики, Навоий вилоятидаги бир қатор мактаблар янги ўқув йилига тайёр эмас. Ўқув йили бошланганига эса оз вақт қолди. Навоий вилояти ҳокимлиги, халқ таълими мутасаддилари бу борада зудлик билан чора-тадбирлар кўрмасалар, ушбу муаммолар сўзсиз таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади...

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева



Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Ҳалима Умнатқуллова Худойбердиева 2018 йил 17 август куни 71 ёшида вафот этди.

Ҳалима Худойбердиева 1947 йилда Сирдарё вилоятининг Бойвут туманида туғилди. 1972 йили Тошкент давлат университетини, 1977 йили Москва Олий адабиёт курсини тамомлади.

У ўз меҳнат фаолиятини «Саодат» журналида бўлим муҳаррири сифатида бошлаб, узоқ йиллар давомида ушбу нашрда бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир лавозимларида самарали фаолият олиб борди. 1991-1994 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, oila институтини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. «Ёзувчи», «Наширёт», «Гулистон», «Сана» журналларидаги иш фаолияти даврида адабиётимиз ва журналистикамиз ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Х.Худойбердиева 1991-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Ёрқин истеъдод эгаси, улкан сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиева ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва дostonлари, долзарб мавзуларга бағишланган публи-

цистик мақолаларида азиз Ватанимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат, мўтабар аёл ва она сиймосига эҳтиром туйғуларини бекибс маҳорат билан тараннум этди. Унинг ёрқин миллий руҳ ва ҳаётий фалсафа билан йўғрилган бетакрор ижоди ўзбек адабиёти ҳазинасидан, эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллади.

Ижодкор қаламига мансуб ўнлаб бадиий етук асарлар дунёнинг қўллаб тилларига таржима қилинди.

Ҳассос шоира жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг кўзга қўринган намоёндалари асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилиб, миллий адабиётимизни бойитишга салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳалима Худойбердиева жонқуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида, юрти-миздаги маданий ва маърифий анжланиш жараёнларида фаол иштирок этди. Умрининг охирига қадар «Дугоналар» журнаliga раҳбарлик қилиб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда фидоийлик намунасини кўрсатди.

Бугунги кунда Ҳалима Худойбердиеванинг ижод мактабида тарбия олган, ўзбек адабиётида ўзининг мустақкам ўрнини топган қўллаб истеъдодли ижодкорлар уни ўзларининг меҳрибон ва талабчан устози деб эътироф этадилар ва қадрлайдилар.

Атоқли сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиеванинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони, «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ҳалима Худойбердиеванинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ,
Н.ЙЎЛДОВ,
Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, С.САИДОВ,
О.ХОЖИЕВА

ТАДБИР

ОЛТИНҚЎЛЛИК ЁШЛАР САЁҲАТИ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Олтинқўл тумани ёшлари, ҳусусан, ногиронлиги бўлганлар учун вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди. Аввал Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдулҳамид Нурматов тадбир иштирокчиларини мустақиллик байрами билан табриклаб, уларга эсдалик

совғалари топширди.

Саёҳат Андижон вилоят тарихи ва маданияти музейида давом этди. Боги Бобур дам олиш масканидаги маданий тадбирлар ва ҳомийлар совғалари иштирокчиларга кўтаринчи кайфият улашди. Бу саёҳатдан олтинқўллик ёшлар хурсанд бўлишди, ЎзХДП Андижон вилоят Кенгашига миннатдорчилик билдиришди.

Ёқутхон МЎМИНОВА,
Ўзбекистон ХДП
Андижон вилоят кенгаши
бўлим мудир.

ИБРАТГАИ ТАШАББУС


Сараланган маиший чиқинди топширганлар

уй-рўзгор буюмлари ва ўқув қуроллари
билан рағбатлантирилмоқда

Ангор туманида «Био техно эко» масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Иккиламчи ташланмаларни йиғиш, саралаш ҳамда улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур жамият айна кунларда Термиз шаҳри, Ангор ва Термиз туманларининг 498 минг нафардан ортиқ аҳолиси ҳамда мингга яқин катта-кичик корхоналарга хизмат кўрсатмоқда.

Жамият ташаббуси билан яқинда Термиз шаҳрида янги биошохбча ташкил қилинди. Бу ерда турли кўринишдаги чиқиндилар чекланмаган миқдорда қабул қилинапти. Полиэтилен, шиша, ёғоч, темир бўлаклари, қоғоз, озиқ-овқат ташланмаларини сараланган ҳолда топширганлар уй-рўзгор буюмлари ва ўқув қуроллари билан рағбатлантирилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



ЯШИЛ ШАҲАРНИНГ ЯШИЛ НАВОЛАРИ

мақом санъати халқаро анжуманида оламга таралади

«Олам тўлиб борар яшил навога» — таниқли шоирларимиздан бирининг қалбида тошган туйғулар. Қадимдан гоҳ Кеш, гоҳ Сабзор, гоҳ Шаҳрисабз аталиб келатган Абдий шаҳарга бевосита тааллуқли гўё бу сўзлар. Шу йилнинг 6-10 сентябрь кунлари ўтадиган мақом санъати биринчи халқаро анжуманида яшил наволар оламга таралади. Мана, уч йилдирки, қадим шаҳарни қайтадан қуриш, нодир обидаларни таъмирлаш жадал давом этмоқда. Бугун дарахт ва турфа гулларга бурканаётган, янги-янги бинолар қад кўтараётган шаҳардаги бунёдкорликлар нуфузли анжуманга ҳозирлик ишлари билан бирга давом этмоқда.

ОБОДОНЧИЛИК ВА ТАРАДДУД

Бугунги Шаҳрисабзни кўрганмисиз? Йўқми? Келсангиз, кўрсангиз, кўнглингизда мунис туйғулар айғониши тайин. Ҳозир жаҳон цивилизация ривожига бемисл ҳисса қўшган шаҳарни таниб бўлмайдим. Ҳукумат қарори асосида тенги йўқ ўзгаришлар содир бўлмоқда. Янги умрини яшаётган нодир обидалар, миллий ва замонавий меъморчилик уйғунлашган кўркем иморатлар келажакка пешвоз чиқаяпти.

Авалло, шаҳарнинг ҳудуди белгиланди. Шаҳрисабз ҳокимлиги қайтадан ташкил топди. Янги ҳокимликнинг тизимлари шакллантирилди, барча ишлар ўз эгаларига топширилди.

Шаҳарга жуда эрта — ҳали тонг отмасидан етиб келдим ва машинани марказий кўчадан ҳайдадим. Ана, темир йўл вокзали атрофида иш қизғин. Анжуман куни анча меҳмон тезорар поездда етиб келади. Бош майдонга янгидан тикланган Самарқанд дарвозасидан кириб бордим. Шаҳарнинг янги бош меъмори Бекзод Раҳмонов кетма-кет ишга тушаётган бинолар, йўллар, турли иншоотлар, уларнинг лойиҳалари ҳақида хикоя қилади — чиндан улғувор ишлар! Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ва биринчи халқаро анжумани Шаҳрисабз шаҳрида ўтказиш борасидаги таклифларидан кейин бунёдкорликларнинг янги даври бошланди. Гап фақат анжуман ўтадиган майдонни ҳозирлаш ҳақида эмас, балки миллий мумтоз санъатимиз, тарихимизни ўрганиш, жаҳон аҳлига етказиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа ўнлаб эзгу ишлар уйғун тарзда олиб борилиши белгилаб берилди.

Мен асрлар юкига бардош бериб, бугун 38-40 метрлик иккита қаноти сақланиб қолган дунёнинг

тенгсиз обидаси — Оксарой қарши-сида ўйга толман. Бир вақтлар Испания элчиси Клавиго буюк бобомиз Амир Темур ҳазратлари қурдирган саройда кўрганларини тасвирлаган эди. Умуман, темирйўллар даври тарихи ҳақида ўзимизда ва хорижда кўплаб тадқиқотлар яратилган. Янги изланиш — истеводли олим Поён Равшановнинг «Оксарой» китоби ўтган йили дунё юзини кўрди. Мен ўтмиш йўлларидан замонамизга юзланаман ва икки йил бурун қурувчилар ана шу баланд иморатда таъмирлаш ишларини бажаришганини эсламан. Юқоридан яна бир манзарани кўриш мумкин — қанотларини ёзган Давлат қуши — Ҳумо етти икким ҳукмдорини олиб учатгандай... Лойиҳа шундай тузилган. Амир Темур бобомизнинг муаззам ҳайкали майдон марказидаги тепаликда қад кўтарган.

Қадимда Оксарой қарши-сидаги майдонда ҳовузалар бўлган. Бугун бу ҳовузалар усти қалин шиша билан қопланган ўзига хос музей. Бу борада франциялик ҳамкорларимизнинг хизмати катта бўлди. Бу ҳам эътиборга молик янгилардан бири.

— Шаҳрисабзнинг ўзи очик ва тенги йўқ улкан музейдир, — дея хикоя қилади шаҳар маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси бошлиғи Илҳомжон Юсупов. — Даставвал, ўрама ҳақида. Тарихий манбаларда қалъа девори 6,5 метр метр узунлиқда бўлганлиги битиб қолдирилган. Шундан 1100 метри сақланиб қолган. Жами 167 метр тупроқ қалъа девори таъмирланди. Марказий майдон атрофида Заргарлик, Кулоллик, Қозигузар каби маҳаллалар жойлашганлиги бежиз эмас. Ҳар бирининг ўз ўрни бор ва ҳозир қадимий номлари тикланган. Мана, эски Ҳовузи Мардон қайтадан қазилиб, таъмирланди. Аслида ҳовузалар 2 та бўлган ва улардаги сув нодир обидалар безакларининг

ранги офтоб тигида ўчиб кетмаслигига таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам маҳалла — Қўшқовуз аталган. Ерости сувларининг кўтарилиши ва қадимий иморатларга зарар етказмаслигини назорат қилиш — муҳим вазифамиз. Умуман, марказда ЮНЕСКО рўйхатида кирган Дорус — саодат ва Дорут-тиловат мажмуалари, Кундузак масжиди, Абдушукур Оғалик мадрасаси, ҳаммом, Чорсу бозори каби 20 дан ортиқ нодир обида жойлашган ва улар сифатли таъмирланди. Анжуман қатнашчилари, сайёҳлар уларни томоша қилишадилар...

Бош майдонда 19 янги фаввора бунёд этилган. Ҳозир Исомиддин Алимов бошчилигида шаҳар ободончилик департаменти жамоаси сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Айтишларича, бош майдоннинг ўзига 31 мингдан кўпроқ баланд ва паст бўйли дарахтлар, турфа гуллар қўқартрилган. Айниқса, шаҳрисабзликлар «нозбўй» деб атайдиган райхон кўп. Дарахтзорлар ўртаси майса билан қопланган. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Рўзиев ва ЎзХДП туман кенгаши раиси Дилшод Еровлар: «Шаҳримизни обод қилиш ва халқаро анжуман меҳмонларини муносиб қутиб олиш учун барча шаҳрисабзлик оёққа турган», дейишди гурурланиб.

КЕЛИНГ МЕҲМОН, КУЛИНГ МЕҲМОН...

Дунёда фақат қулиб муомала қиладиган халқлар кўп. Кулгу — умр зийнати экан. Айни дамда таширф буюрсангиз, шаҳрисабзликлар ҳам жилмайиб, қаерни сўрсангиз, эринмайи тушуштиришадилар.

Мен аввал марказий майдон ўртасида ўзига хос амфитеатр бунёд этаётган қурувчилар ҳузурига бордим. Иш жадал кетаяпти. Аллоҳида саҳна ясалмоқда. Бетон ишларини Тошкентдаги 65-қурилиш бошқармаси жамоаси бажарётган экан. Булар ҳақида асли сурхондарёлик бўлган ишбоши Комил Холов гапириб берди. Ҳадемай ўриндиқлар ўрнатиларкан. Умуман, шаҳарни обод қилишга бутун мамлакатимиз қурувчилари муносиб ҳисса қўшишди. Шулардан бири — китоблик Абдижамоал Гафоров бошлиқ қурувчилар жамоаси 48 хонадонли 4 янги уй, 60 савдо дўконини ишга туширди. Ҳозир улкан иншоот — санъат саройини таъмирлаш ишларини якунига етказишяпти. Ана шу майдондаги эгалари кўчиб кирган ўзига хос уйлари томоша қилиб, биттаси олдида тўхтаман. Майдон марказида тадбиркор Эркин Тўхтаев қурган 100 ўринли янги «Афсона» меҳмонхонаси ҳам иш бошлабди.

— Халқаро анжуман меҳмонларини ва шаҳарга келатган сайёҳларни муносиб қутиб олиш учун тайёргарлик ишлари қизғин, — дейди

Ўзбекистон туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Отабек Олимжонов. — Сайёҳлар ва меҳмонлар учун юрти-мизда хизмат кўрсатадиган манзиллар кўп. Туризмни ривожлантириш — муҳим вазифамиз. Агар ўтган йили воҳага 2 минг меҳмон таширф буюрган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида 100 мингдан ошдиқ сайёҳ келди. Мақом халқаро анжумани ютуқларимизни, миллий маданиятимизни жаҳонга ёйиши баробарида, кўплаб сайёҳларни жалб этади. Уларни муносиб қутиб олишимиз керак. Агар илгари «Шаҳрисабз юлдузи» меҳмонхонаси бўлса, қисқа фурсатда 120 ўринли 2 янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Тоғли Мирқоқ қўрғончасида 60 ўринли «Лочин» меҳмонхонаси ишга тушди. Шуниси қувончлики, 60 дан ошдиқ шаҳрисабзлик ўз уйида меҳмонларни қутиб олишга истагини билдирди. Уларни ўргандик, қўмақлашдик, ҳозир 20 таси тайёр, қолган хонадонлар жихозланмоқда. Бундай хонадон-меҳмонхоналарда истиқомат қилиш меҳмонларда ҳам яхши таассурот қолдиради, албатта...

Сўхбатдан сўнг бош майдон бўйлаб яна юра бошлайман. Қатор қўш қаватли уйлarning биринчи қаватидаги дўконларда миллий хунармадчилик буюмлари териб қўйилган. Битта янги бинонинг биринчи қаватидаги хоналарнинг очик эшигидан гилам тўқиётган, дўппи тикаётган чеварлар иши яққол кўриниб турибди. Япония давлатидан келган бир ёш сайёҳ чеварлар ҳаракатидан кўз узолмасди. Мен русча, у инглизча гапирди, аммо бир-биримизни англадик. Юртимизга биринчи келиши экан, ёқибди. Мен «Хуш келибсиз!», дедим қулиб, япониялик йигит ҳам жилмайди.

— Чет эллик меҳмонлар учун миллий буюмларимиз кўп манзур, — дейди Шаҳрисабз шаҳар хунармадчилар уюшмаси раҳбари Юлдуз Мамадиёрова. — Чунки бу буюмлар санъат даражасида, гул ва нақшларда моҳир чеварлар маҳорати мужасамлашган. Биз Шаҳрисабз, Китоб, Яқкабоғ, Қамаш, Чироқчи туманлари хунармадчиларини бирлаштиряпмиз. Мен ўзим чеварлар тайёрлаган дўппи, сумка, нимча, кичик гилам каби буюмларни ўнлаб давлатлардаги кўргазмаларда намойиш қилишда қатнашганман. Қизиклиш катта. Ўтган йили Президентимиз Шаҳрисабзга келиб ишларимизни кўрди, маслаҳатлар берди. Шундан кейин, ана шу қўш қаватли бинони сотиб олиб, кичик цех ва савдо дўкони очдик. Санъат анжуманига келатган меҳмонлар учун турфа совгалар, буюмлар тайёрляпмиз.

ШАҲРИСАБЗ ҚАЛБИ ВА ШУУРИ

Юриб, айланиб, XVI асрда қурилган, ҳозир Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи

жойлашган Чубин мадрасасига етиб келдим. Қадимий иморат янги ҳаётини яшапти.

— Музейимизда 35 мингдан ортиқ археология, тарих, ёзма манбалар, этнография, рассомчилик, амалий санъат, ҳайкалтарошлик, нумизматика ва маданиятга оид экспонатлар мавжуд, — дейди музей директори, тарих фанлари номзоди Наби Хушвақтов. — Асосий йўналишимиз «Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг ҳаёти ҳамда фаолияти» мавзусига бағишланган.

— Мен ушбу музейда чилторарфа чалаётган аёлнинг кичик сопол ҳайкалчасини кўрдим. Бу Буюк ипак йўли орқали қадимда Шарқий Туркистон, Хитой, Корея, ҳатто Япония давлатларига миллий маданиятимиз, санъатимиз етиб бурганини кўрсатади. Мақом санъати ҳам темирйўллар даврида яхши ривож топган, шундай эмасми?

— Ҳа, мақом — ўлмас санъат, — давом этади Наби Хушвақтов. — Унинг Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Фарғона йўналишлари мавжуд. Умуман, мақом тарихи, бастакорлик, яқка ва жүрвоэлик, созандалик усулларини, шу соҳада яратилган асарларни астойдил ўрганиш лозим. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг Шаҳрисабз шаҳрида алоҳида «Мақом музейи»ни ташкил этиш ҳақидаги қарори муҳим аҳамият касб этади. Қарорда бу мумтоз санъатга оид манбаларни тўплаш, улуг санъаткорлар ҳаётини ўрганиш, мақомни тарғиб қилиш ва бошқа вазифалар қўйилган.

Мақом санъатимиз XX асрда айниқса, шўро даврига келиб, мураккаб шароитда ривожланди. Мустақид тузум мафқурасини мадҳ этувчилар мақом санъатига эскилик сарқити сифатида муносабатда бўлишган. Ана шундай оғир даврда буюк санъаткор Юнус Ражабий «Шашмақомни» китоб сифатида нашр эттирди. Мустақиллик йилларида мумтоз санъатимиз ривожини йўлида анча хайрли ишлар қилинди. Хўш, Шаҳрисабз ҳақида нималарни айтиш мумкин?

Авалло, Шаҳрисабзда кўплаб устоз санъаткорлар яшаб ўтишган. Жонқуяр тарихчи, журналист Мўмин Азизов Абдурахмон Эшонқулбой ўғлининг Шаҳрисабзда тутилгани, Бухоро мақомини устозлардан ўрганиб, шўро даврида ўз йўлига асос солгани ҳақида яқинда «Қашқадарё» вилоят газетасида «Хофиз, созанда, бастакор» мақоласини эълон қилди. Устоз Юнус Ражабий нашрга тайёрлаган «Ўзбек халқ мусиқаси» тўпламига у яратган «Абдурахмонбеги», «Уфори Абдурахмонбеги», «Абдурахмонбеги III» мумтоз ашулалари ноталари билан киритилгани ҳақида фикр юритди. Шаҳрисабздан Ўқтам Аҳмедов, Марям

Сатторовва, Насиба Сатторовва, Дилфуза Раҳимова, Ойгул Халилова каби таниқли санъаткорлар етишиб чиқганини тилга олди.



Вилоятда халқаро анжуманга тайёргарлик қизғин. Июль ойида мақомчиларнинг вилоят кўриги ўтказилиб, Китоб тумани маданият бўлими қошидаги «Мозийдан садо» дастаси биринчи ўринни кўлга киритди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими шаҳрисабзлик Элмурод Боймуродовнинг бу борада хизматлари катта. У киши Тошкентдаги Театр ва рассомчилик институтининг режиссёрлик факультетини битириб келган. 1959 йилда Шаҳрисабз шаҳрида халқ театрига асос солди. Мазкур театр бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатиб келаяпти. Айни пайтда санъат фидойиси шаҳар маданият бўлими қошидаги болалар мақом дастаси раҳбари.


— Тарихий Коба обидаси ҳозир мақом санъати марказига айлантирилган, — дейди Элмурод Боймуродов. — Шу йилнинг январь ойида Президентимиз Шаҳрисабзга келганида мен билан ҳам суҳбатлашдик, мумтоз санъатимиз истиқболи ҳақида гапирдик. Мана, энди у кишининг ташаббуси билан шаҳримизда халқаро анжуман ўтказилади. Шогирдларим кўп. Ҳозир АҚШда яшаётган санъаткор Рошил Рубинов ҳам менинг шогирдим. Янгиллик шуки, бутун вилоятимизда синовдан ўтказилган 150 нафар ёш мақомчи билан бир неча ойдан бунён шуғулланаяпмиз. Мен раҳбарман. Улар намунали чиқиш қилишадилар.

Мен шаҳрисабзлик 3-синф ўқувчиси Паризода Элмуродова, Қарши шаҳридан келган 9-синф ўқувчиси Раҳмат Тошқулов, қасбиклик 4-синф ўқувчиси Шоҳрух Холмуродов, шаҳрисабзлик 9-синф ўқувчиси Севинч Авлақуллова ва бошқа қалбига санъат чўғ ташланган ўғил-қизларимиз билан суҳбатлашдик. Шаҳрисабзлик мусиқа мактабининг концерт залини тўлдирган ёш мақомчиларнинг ашулани майин ва авж пардаларида бирдек қуйлашаётганини тинглаб, ҳайратга тушдим ва ниҳоятда қувондим. Яна бир замонавий қўшиқча мусиқа басталанибди. Бу ашулани ёшлар қуйлашганда, ушбу мисралари қалбимга муҳрланиб қолди:

Боласига борини бахшида қилган Ватан,
Тоғлари чўққисига байрогин илган Ватан,
Тарихин, туғросини муқаддас билган Ватан,
Келажакни ўйлаган бўйлариндан айланай,
Йигирма етти ёшли тўйларингдан айланай...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»





«ШҲҲҲҲ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни

Мустақиллигимизнинг **27** йиллиги билан қутлаймиз!



Маҳсулотлар сертификатланган.



«NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини **ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ** билан табриклайди!

Она заминга муҳаббат, Ватанга садоқат ҳисси сиз азизларни асло тарк этмасин!

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎДСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Маҳсулотлар сертификатланган.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838. 6779 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'zA yakuni — 22:30. Topshirilgan vaqti — 00:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 6